

**Таълим тизимида  
ижтимоий-гуманитар  
фанлар**

**6**

**ISSN 2181-7286**

**Тошкент – 2021**

Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал 2002 йилдан бошлаб чиқа бошлаган,  
йилига 6 марта чоп этилади.

**Таъсисчи:**

И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Бош муҳаррир**

и.ф.д., проф. А.Қодиров

**Бош муҳаррир ўринбосари**

доц. А. Мирзаев

**Масъул котиб**

и.ф.н. К.А. Мухитдинова

**Жамоатчилик кенгаши:**

Проф. С. М. Турабджанов (раис), проф. О.О. Зарипов, проф. Т.М. Ахмедов, д.т.н.  
Нематов Ш., проф. Н.Ф. Зикриллаев

**Таҳрир хайъати:**

Проф. Х.П. Абулқосимов, проф. И. Эргашев, проф. С. Отамуродов., проф. Н.  
Жўраев, проф. Р.Самаров, и.ф.д., проф. Т.Р. Ризокулов, проф. М. Мирқосимова, проф.  
А. Хусейнова, и.ф.д., проф. М.М. Шарифзода, проф. У. Махкамов, проф. Очилов А.О,  
и.ф.д. З.Т. Гаибназарова, доц. Атамуратов М.У, доц. Султанова Г.С, доц. Д.И.  
Рузиева, доц. А.Ч. Бобоев, доц. Х.Х. Режапов, доц. О.Ю. Усмонова, доц. А.  
Насриддинов, доц. Н.Я. Артықов, ф.ф.д. Н.Р. Нишонова, доц. Р.Б. Исмоило, доц. З.  
Жумакулов.

**Таҳририят манзили:**

100095, Тошкент - 95, Университет кўчаси, 2. тел:71:2467273, www.tdtu.uz E-mail:  
[Ijtimoiy-fanlar@rambler.ru](mailto:Ijtimoiy-fanlar@rambler.ru) Телеграм 90:9288572

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга  
олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома.

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан,  
Педагогика ва психология бўлими 2019 йил 29 июндан киритилган.

Журналда маълумотлар босилганда далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда чоп  
этилган маълумот ва келтирилган далилларнинг аниқлиги учун муаллиф  
жавобгардир.

<b>Юсупов Р.А.</b> Камбағалликнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ёндошувлар.....	<b>113</b>
<b>Халилов С.Ш.</b> Миллий туризм тармоғида этнографик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самаралари.....	<b>117</b>
<b>Маманазаров А.А.</b> Ўзбекистон миллий бойлигини кўпайтиришда давлатнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	<b>122</b>
<b>Анафияев А.М.</b> Саноат корхоналарини иқтисодий салоҳиятини оширишнинг амалий йўллари.....	<b>129</b>
<b>Эрматов И.</b> Технологиялар трансфери – инновацион иқтисодиёт омили.....	<b>132</b>
<b>Исмоилова Д.С.</b> Жаҳон саноат инқилобларининг буюк иқтисодий сакрашга кўшган хиссаси.....	<b>139</b>
<b>Дадажонова М.М.</b> Основные факторы социального развития на современных предприятиях.....	<b>145</b>
<b>Yulchiyev E.Y.</b> Global pandemiya sharoitida ichki moliyalashtirish manbalarini rolini oshirishning ayrim masalalari.....	<b>149</b>
<b>Баходирова Х.Б.</b> Зарубежный опыт развития инновационной деятельности предприятий энергетической отрасли.....	<b>153</b>
<b>Ерназаров С.Е.</b> “Корхоналарда персонал бошқарув самарадорлигини ошириш”.....	<b>157</b>
<b>Кадыров А., Муфтаидинов К., Хасанов Н.</b> Экономическое развитие малого бизнеса и микрофирм.....	<b>165</b>
<b>Рахмонова Б.С.</b> Мамлакатимизда ёнғоқ ишлаб чиқаришнинг таркибий ва миқдорий ўзгаришлар тенденцияси.....	<b>170</b>
<b>Тожимаматов И.Н.</b> Рақамли иқтисодиётни корхона фаолиятида тадбиқ этишнинг хусусиятлари ва уларнинг жорий этиш тамойиллари.....	<b>175</b>
<b>Казаков О.С.</b> Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари ва фаолият самарадорлигига таъсири.....	<b>183</b>
<b>Saidova M.J., Olimova N.O.</b> Sanoat korxonalarining iqtisodiy samaradorligini oshirishda mehnat unumdorligining ahamiyati.....	<b>188</b>
<b>Таджибаев З.</b> Экологик менежмент тизими бизнесни экологиялаштириш асоси сифатида.....	<b>192</b>
<b>Саттарова Х.Б.</b> Влияние интернет-технологий на уровень человеческого капитала в эпоху цифровой экономики.....	<b>196</b>
<b>Холматов Б., Хасанов Ш., Ўринов К.</b> Тежамкорлик тўғрисидаги назарий қарашлар таҳлили.....	<b>202</b>
<b>Шарипов Б.Р.</b> Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитида туризмни ривожлантириш.....	<b>209</b>
<b>Эргашева Ф.И.</b> Талабаларда тадбиркорлик малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш сифатлари.....	<b>213</b>
<b>Юсупова М.Б.</b> Халқаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва бухгалтерия ҳисоби ривожланишининг янги босқичи.....	<b>219</b>
<b>Тожимаматов И.Н.</b> Иқтисодиётни рақамли трансформацияси: Индустрия 4.0.....	<b>224</b>

- укрепити ва ривожлантириш системаси тайёргарчиликнинг юсоқсифликланган кадрлар учун кичик ишхоналари ва микроишхоналари;
- кенгайтириш кичик ишхоналари ва микроишхоналари давлат хизматлари билан.

## Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3617 от 5 мая 2018 года «О дополнительных мерах по созданию условий для развития активного предпринимательства и инновационной деятельности».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3698 от 7 мая 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отраслях и сфере экономики».
3. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии».
4. Карабаева Г.Ш. Вопросы инновационного развития промышленности. Проблемы и тенденции развития инновационной экономики: международный опыт и российская практика. Материалы VII международной научно-практической конференции. 2 т./ редкол.: Т.Б.Лейберт и др.: под общ.ред. Т.Б.Лейберта. – Уфа: УГНТУ, 2008.
5. Абулкасимов Х.П., Кулматов Т. Тадбиркорлик – сермашақат фаолият//Иқтисод ва ҳисобот.1997. № 9.
6. Муфтаидинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дисс. иқт.фан.докт. – Т., 2004.
7. Малое предпринимательство в Узбекистане. 2016-2019. – Т., 2020.
8. Комаров А.Г., Богданова С.Ю., Личнов А.В. Малый бизнес и занятость в России и за рубежом. «Проблемы теории и практики предпринимательства». – М., 2011.

УДК 338.1

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЁНГОҶ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАРКИБИЙ ВА МИҚДОРИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТЕНДЕНЦИЯСИ

### ТЕНДЕНЦИИ СТРУКТУРНЫХ И КОЛИЧЕСТВЕННЫХ ИЗМЕНЕНИЙ ПРОИЗВОДСТВА ОРЕХОВ В НАШЕЙ СТРАНЕ

#### TRENDS IN STRUCTURAL AND QUANTITATIVE CHANGES IN NUT PRODUCTION IN OUR COUNTRY

Рахмонова Б.С. (АндҚХАИ катта ўқитувчиси)

*Ушбу мақолада боғдорчиликнинг бугунги кунда муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган ёнгоқчилик соҳасида дунё мамлакатлари-нинг илғор тажрибалари, замонавий инновацион технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани ёнгоқ ҳосилдорлигининг мунтазам ортиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шуки, интенсив технологиялар ёрдамида ёнгоқзорлар барпо этиши озик-овқат таъминотини яхшилаш шароитида, замонавий боғдорчиликнинг стратегик*

йўналишларидан бирига айланиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёнғоқ ишлаб чиқариш, инновация, экстенсив, интензив, ёнғоқ ҳосилдорлиги, ялпи ҳосил, самарадорлик, озиқ-овқат бозори.

*В данной статье представлен передовой опыт стран мира в области ореховодства, являющегося сегодня одним из важнейших направлений в садоводстве, внедрение современных инновационных технологий, которые играют важную роль в регулярном повышении урожайности грецкого ореха. Еще одним важным аспектом является то, что создание ореховых плантаций с использованием интенсивных технологий может стать одним из стратегических направлений современного садоводства в условиях улучшения продовольственного снабжения.*

**Ключевые слова:** производство орехов, инновации, экстенсивное, интензивное, урожайность орехов, валовой сбор, эффективность, продовольственный рынок.

*This article presents the best practices of the countries of the world in the field of nut growing, which is today one of the most important areas in horticulture, the introduction of modern innovative technologies that play an important role in regularly increasing the yield of walnuts. Another important aspect is that the creation of nut plantations using intensive technologies can become one of the strategic directions of modern horticulture in the context of improving food supply.*

**Keywords:** walnut production, innovation, extensive, intensive, walnut yield, gross yield, efficiency, food market.

Мамлакатимиз замини нафақат пахта, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан ҳам мўл ва сифатли ҳосил олиш учун қулайлигини деҳқонларимиз кейинги салкам 30 йилда бутун дунёга намойиш этиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги ишлар бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда[1].

Халқимиз хуш кўриб истеймол қиладиган ёнғоқ мевалилар организмнинг иммун тизимини кучайтириб, қон томир деворларини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Ёнғоқчилик қадимдан бизнинг шароитимизда тараққий этган ва ёнғоқ майдонлари ҳам кейинги пайтларда кўпаймоқда. Ўзбекистонда ёнғоқнинг кўпгина нав ва шакллари кенг тарқалган бўлиб, ушбу нав ва шаклларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли нав намуналарини танлаш ва улардан энг самаралиларини амалиётга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Боғдорчиликнинг бугунги кунда муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган ёнғоқчилик соҳасида дунё мамлакатларининг илғор тажрибалари, замонавий инновацион технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани ёнғоқ ҳосилдорлигининг мунтазам ортиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шуки, интензив технологиялар ёрдамида ёнғоқзорлар барпо этиш озиқ-овқат таъминотини яхшилаш шароитида, замонавий боғдорчиликнинг стратегик йўналишларидан бирига айланди.

Охирги йилларда қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари ва деҳқон

хўжаликлари ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг интенсив боғдорчилик маҳсулотлари ва интенсив дарахт кўчатларига талаби тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан, ярим пакана ва пакана интенсив кўчатчилиқни ривожлантириш, жумладан, тоғ ва тоғ ёнбағирларида ёнғоқзорларни барпо этишга янада кенг эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда жаҳон бозорида харидорбоп ҳисобланган ёнғоқ, унаби, писта ва бошқа мевалар етиштиришни кўпайтириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўриш мумкинки, соҳада бир қатор натижаларга эришилди, хусусан, ёнғоқ ва унабининг хорижий мамлакатлардан келтирилган уруғлари асосида кўчат етказиб бериш тизими ривожлантирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори юртимизда лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, замонавий ёнғоқ плантациялари барпо қилиш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган ёнғоқ етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қаратилгани билан соҳа ривожидида муҳим қадам бўлди.

Қарор асосида Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилиб, унинг вазифалари белгилаб берилди.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари иқлим шароити ёнғоқ, бодом, писта каби дарахт кўчатларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай жойлар ҳисобланади. Жумладан, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент каби вилоятларда бу каби дарахтлардан мўл ҳосил олиш мумкин[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурида ёнғоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида ёнғоқ етиштиришни рағбатлантириш давлат эътиборидан дарак беради[3].

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, умуман, ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда [4].

Маълумки, мамлакатимиздаги мавжуд табиий-иқлим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, хусусан, мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан соҳани бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга устувор йўналишлар сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ташқи бозорларда сотиш ҳисобига мамлакат валюта тушумининг сезиларли қисми шаклланаётганлиги ҳам соҳани тубдан ислох қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устуворлигидан далолат беради[5].

Хусусан, охириги йилларда бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги

“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388 ва 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш-нинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли Фармонлари ҳамда 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3978, 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239 Қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугунги кунда мева-сабзавотчилик қуйи тармоғида, хусусан ёнғоқзорларни барпо этиш йўналишида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар қуйидаги иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконини яратмоқда:

- иқтисодий масалада – мева-сабзавотчилик жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 32,2 фоизини (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,7 фоизи) ташкил этгани ҳолда қишлоқ жойларида аҳолининг асосий даромадларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг қатор тармоқларини ривожланишига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тармоқ мамлакат қишлоқ хўжалиги экспортида асосий ўринларни эгаллайди;

- ижтимоий масалада – мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш самарадорлиги, нафақат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига, балки мамлакат барча аҳолисининг ижтимоий фаровонлигини ҳам оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Яқуний натижада ушбу ислохотлардан пировард мақсад мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиб, янги Ўзбекистон ривожланишининг барча жараёнларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижаларида яққол намоён бўлади ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ошиб боришини ўзида акс эттиради.

Айни пайтда инновацион муҳитни шакллантиришдан асосий мақсад – илм сарфи юқори ва юқори технологияга асосланган ҳолда кичик инновацион тадбиркорликнинг муттасил ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожланишидаги долзарб муаммоларни ечиш учун илмий, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш, корхоналарнинг, айниқса кичик бизнес корхоналарининг инвестицион ва инновацион фаоллигини оширишга туртки бериш ҳамда инновацион фаолиятни кенгайтиришга инвестицияларни жалб қилишдан иборат.

Умуман олганда, сўнгги даврларда ёнғоқчилик соҳаси ривожига катта эътибор берилиб, унинг ривожланиш тенденциясида замонавий инновацион усуллар ёрдамида ёнғоқ етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш, лаборатория шароитида минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларига мос, серҳосил навларни етиштириш, кўчатчиликни ривожлантиришга эътиборни қаратиш ва сотиш тизимида замонавий маркетинг усулларини ишлаб чиқиш, ёнғоқ плантацияларини ташкил этиш, бунда деҳқон хўжаликларига 2-3 гектардан бўлиб берган ҳолда катта-катта плантацияларни ташкил этишга эътибор қаратиш, пировадида аҳоли даромадларини ошириш имкониятлари яратилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи 2017 йил 17 январ.
2. <https://www.uznuts.uz> – Ўзбекистон Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси
3. Б.Рахмонова, Б.Носиров. Ўзбекистонда Эрон тажрибаси асосида ёнғоқ етиштиришнинг самарадорлиги. “Иқтисодийда инновациялар” журнали. №3 (2020). 47-53-бет. ISSN 2181-9491. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-3-7>
4. Б.Рахмонова. Роль производства орехов в мировой экономике. Сборник научных трудов международной конференции молодых ученых “наука и инновации”, 01/11/2019, Ташкент. Министерство инновационного развития Республики Узбекистан. С. 353-355.
5. Sangirova U.R, Khafizova Z.K., Kurbanova D.B., Rakhmonova, B.S., Kadirkhodjaeva F.B. A special place of walnuts in the world market (for example, Uzbekistan). Journal of Xi'an University of Architecture & Technology. ISSN No: 1006-7930. Volume XII, Issue II, 2020. P. 2789-2796. DOI: 20.19001.JAT.2020.XII.I2.20.2090
6. Б.Носиров, Б.Рахмонова. Ўзбекистонда ёнғоқ етиштиришни ривожлантириш истиқболлари. “Иқтисодийда инновациялар” журнали. №8 (2020). 79-85-бет. ISSN 2181-9491. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-8-9>
7. Nosirov B., Rakhmonova B. Organization of production of walnuts in an industrial volumes. International online conference ECLSS Economics and Social sciences. Proceeding book. June 28-29, 2020. Istanbul, Turkey. P. 59-67. <http://eclss.org/publicationsfordoi/istanbulonline.pdf>
8. Махмуд Бахшинежад. "Сравнительные преимущества культур семейства ореховых в Иране" диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. МГУ им М.Ломоносова (2012 г.).
9. H.Adem & Peter H. Jerie. «Walnut Industry. Research & Best Practice Implementation». A report for the Rural Industries Research and Development Corporation. 2004. Publication No. 04/032. Project No.Dav-164A.
10. Б.Носиров, Б.Рахмонова. Ўзбекистонда ёнғоқ ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари. “Иқтисодийда инновациялар” журнали. №10 (2020). 173-181-бет. ISSN 2181-9491. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-10-23>
11. Rahmonova Barno. The situation with Walnut Production in Andijan Province, efficiency, and problems. International journal of discourse on innovation, integration and education. Volume: 02 Issue: 02 | February 2021 ISSN: 2181-1067 Page 379-386
12. Н.Астанақулов, А.Мирзаев Ёнғоқзорлар барпо этиш бўйича тавсиялар. <https://www.agro.uz/uz/services/recommendations/9029/>.
13. Истиқболли лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш ва юрт фаровонлигига хизмат қилади. <https://xs.uz/uzkr/post/istiqbolli-lojihalar-aholi-bandligini-taminlash-va-yurt-farovonligiga-khizmat-qiladi>
14. С.Хасанов. Ўзбекистонда мева-сабзавотликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. <https://review.uz/oz/post/uzbekistonda-meva-sabzavotlikni-rivojlantirish-tendenciyalari-va-istiqbollari>